VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

22-23 (32) 2009 йил 3 июнь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



## Болаларга беринг дунёни

Хоразм вилояти Хива тумани Қумяска маҳалласида жойлашган туман халқ таълими бўлимига қарашли "Табассум" мактабгача таълим муассасаси 1970 йилдан буён фаолият юритиб келади.

3-бет



## Аёл — миллат кўзгуси

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берила бошланди.

4-бет



## Қадимий Шош талабалар нигоҳида

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида талабалар ўртасида «Шаҳримиз тарихини биласизми?» мавзуида интеллектуал ўйин ўтказилди.

5-бет

MT БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Меҳр-оқибат ва тарбия маскани
Миллат кўзгуси
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Кўрик-танловлар
Пухта ўйланган таклиф
Оила муқаддас маскан
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Давлатлараро манфаатлар ҳисобга олиниши керак
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик фазилатлари
Сардоба
ЖАРАЁН 6-бет
Тадбиркорлик
Изчиллик
Лоқайдлик ортидаги жиноят
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Аксил террор операциялари муваффақияти
Дунёдан дараклар
НИГОҲ 8-бет
Ёруғ изларидан жаранглайди бахт
Турфа олам

"МТ" ЁШЛАРИ




# Пухта ўйланган таклиф

## амалда ўзини оқлади

Дилноза ҲАЙИТОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Йил бошида бўлиб ўтган партия Марказий Кенгаши пленумида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида туман (шаҳар) мақомига эга бўлган кенгашини тузиш таклифи илгари сурилиб, бу ўз навбатида партия фаоллари ва Марказий Кенгаш аъзолари томонидан қўллаб-қувватланган эди. Орадан кўп фурсат ўтмай, бу ерда партия шаҳар кенгаши ташкил топди. Хўш, ўтган вақт давомида кенгаш томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Партия сафига ёшлар қандай тарғибот ва ташвиқот усуллари билан жалб этилмоқда? Ўтган фурсат кенгаш фаолияти учун қай даражада аҳамият касб этди? Бизни қизиқтирган шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида кенгаш иши билан танишишни ва сизни ҳам улар фаолиятидан хабардор этишни лозим топдик.

Шижоат ва жўшқинлик нафаси уфуриб турадиган бу шаҳарча мангу ёшлик қиёфаси муҳрланган масканга ўхшайди. Бу ерда мамлакатимиздаги энг нуфузли 3 та олий ўқув юрти, 2 та олий ўқув юртининг ўқув биноси мавжуд бўлиб, уларда 42000 нафар талаба таҳсил олади.

(Давоми 3-бетда)

ДЕПУТАТ ВА ЖАМИЯТ

# Сайловчилар билан учрашувлар

*Ўтган ҳафта Ўзбекистон Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жойларда бўлиб, ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказишди. Хусусан, Олий Мажлиснинг қуйи палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам бир қатор учрашув ва мулоқотлар ўтказишди.*

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов Ургут туманида сайловчилар билан учрашди. Мулоқотда дастлаб Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўлари ва чоралари" китобида илгари сурилган ғоя ва мақсадлар ва ушбу асар юзасидан хорижлик 150 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, олимлар ҳамда йирик компаниялар вакиллари иштирокида Тошкентда ўтказилган Халқаро илмий конференцияда билдирилган фикрлар билан йиғилиш иштирокчилари таништириб ўтилди.

— Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ўзбек модели бугунги кунда халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар — ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот энг аввало инсон ва унинг манфаати учун деган тамойилга амал қилинаётганлиги ютуқларимиз гарови бўлмоқда,- деди А.Турсунов.

Депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаёганлигини алоҳида таъкидлаб жумладан, аҳоли миграцияси, автотранспорт воситаларини мажбурий суғурталаш, Солиқ кодекси ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида, почта алоқаси тўғрисида ва бир қатор бошқа қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганлигини ва уларнинг моҳиятини тушунтириб берди.

Учрашувда ЎзМТДП фракциясининг қонун ижодкорлиги фаолияти хусусан, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари ва партия ташкилотлари амалга ошираётган ишлари ва бу борада белгиланган режалар хусусида ҳам батафсил маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда)

ТАНЛОВ

# "Дунё болалар нигоҳида"

## махсус почта маркалари

*1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ҳамкорликда "Дунё болалар нигоҳида" мавзуида почта маркалари ва махсус тамғасини ишлаб чиқарди ва жорий йилнинг 1 июнидан у муомалага киритилди.*

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири




Ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва фелиателияга қизиқтириш ҳамда жалб қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан 2009 йилнинг 26 мартидан 26 апрелигача "Дунё болалар нигоҳида" почта маркаларини чоп этиш учун илк бор Болалар ижодий расмлари республика танлови ўтказилди. Танлов ҳайъат аъзолари эътиборига иккита номинация(I-номинацияда 5 ёшдан 10 ёшгача бўлган болалар, II-номинацияда 10 ёшдан 14 ёшгача) бўйича 1014 нафар болалар чизган расмлар тақдим этилди ва ғолиблар аниқланди. Ушбу номинациялар бўйича ғолиб бўлган болаларнинг расмлари асосида "Дунё болалар нигоҳида" махсус почта маркалари тайёрланди.

Куни кеча Тошкент шаҳри Болалар ижодиёти уйи биносида ушбу танлов ғолибларини тақдирлаш, почта маркаларининг тақдимоти ва махсус хотира тамғасини сўндириш маросимининг тантанали тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Ходжаев, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бош директори Рустам Қосимов, Болалар ижодиёти уйи директори Носиржон Файзиев, Ўзбекистон Маданият ва санъати форуми жамғармаси қошидаги Болалар ижодиёт маркази директори Зулфия Расулова, "Класс" болалар газетаси бош муҳаррири Алла Суханова, фелиателистлар уюшмаси раиси Э.Ҳамидов ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда бир қанча хорижий фелиателистлар қатнашдилар.




"Тинчлик кабутари" расми учун биринчи ўринни олган Тимофей Бабаханян ва Дурдона Мирзамухсиновага ("Кечки баҳор") фотоаппарат, иккинчи ўринни олган Никита Годованюк ("Ҳайвонлар қироли") ва Арофат Муҳиддиновага ("Байрам") мобиль телефон ҳамда учинчи ўринни олган Ксения Небогина ("Лайлак ини") ва Робиябону Исломовага ("Ҳурмат") дивиди-караокэ тақдим этилди. Йиғилишда энг ҳаяжонли дақиқалар болажонларнинг ўз қўллари билан махсус хотира тамғасини конвертларга туширишибўлди.




Ушбу тадбир муносабати билан 6 туркумдан иборат, ҳар хил рангларда, офсет усулида 300 минг нусхада маркалар ишлаб чиқарилди. Махсус хотира тамғасида қуёш остида ер шарини қўлларида ушлаб турган болаларнинг тасвири туширилган ва "XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI" O'ZBEKISTON-TOSHKENT POCHTAMT 01.06.2009" сўзлари ёзилган бўлиб, махсус хотира тамғасини тушириладиган жой ва сана кўрсатилган. Махсус тамғанинг диаметри 35 мм. "Дунё болалар нигоҳида" махсус почта маркалари туркуми ҳамда махсус хотира тамғасининг дизайнери Е.Карцевич ва У.Юсупалиевдир.

МУЛОҚОТ

# Амалий тадбир

"Матбуот тарқатувчи" Акциядорлик компаниясида Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ва Инқирозга қарши чоралар Дастури муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда компания ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни компания бош директори С.Нажбиддинов олиб борди.

- Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Дастурини қабул қилиб, айни пайтда унинг ижросини таъминлаш бўйича кенг миқёсли ислоҳотларни амалга оширмоқда,- деди сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси декани, иқтисод фанлари доктори Рустам Ҳасанов. - Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Йиғилишда тингланган маърузаларда мазкур асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил этилганлиги тўғрисида тушунча берилди.

Тадбир савол-жавоб ва очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтди.

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
"Milliy tiklanish" мухбири

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

АНЪАНА



## Болаларга беринг дунёни

Хоразм вилояти Хива тумани Қумяска маҳалласида жойлашган туман халқ таълими бўлимига қарашли "Табассум" мактабгача таълим муассасаси 1970 йилдан буён фаолият юритиб келади.

Мазкур даргоҳда айни пайтда 18 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Тарбиячилар муассасада тарбияланаётган 42 нафар ўғил-қизнинг ҳар бир кунини мароқли ўтказишга ҳаракат қилишади. Боғчада байрамларни муносиб нишонлаш деярли анъанага айланган. Тадбирларни эса болажонларнинг куй-қўшиқлари ва дилрабо рақсларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жумладан, 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб "Соғломжон-полвонжон" мавзусида ўтказилган тадбирда болалар "Айиқча" ва "Қўзичоқ" гуруҳларига бўлиниб, беллашдилар. Ушбу тадбирни ташкил этишда боғча мудираси З.Матниёзова, тарбиячилардан Ш.Отажонова, З.Қутлимуродова, Ш.Шарипованинг ҳиссаси катта бўлди. Тадбирда туман халқ таълими бўлими мудираси О.Қурбонова ва ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари иштирок этишди.

Мусобақа ғолибларига ЎзМТДП туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

* * *

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши томонидан ҳам Наманган шаҳридаги "Қалдирғоч" номли 4-коорексион болалар таълим марказида "Болаларга беринг дунёни" мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда партиянинг Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси А.Рахматуллаев, аёллар ва ёшлар масалалари бўйича раис ўринбосари Н.Ахмедова, вилоят «Ёшлар қаноти» раҳбари Н.Қодиров сўзга чиқиб, болажонларни байрам билан самимий қутлашди ва уларга партия совғаларини топширишди.

**Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

АНЖУМАН

*Оила юрт бағридаги мўъжаз бир Ватан саналади. У улуғ ва мўътабар даргоҳдир. Мустақиллик йилларида юртимизда оилани мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди. Жумладан 1998 йилнинг 30 апрелида Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди. Ушбу муҳим ҳужжатда жамиятимиз бўғини саналган оиланинг ҳуқуқ ва бурчлари, уларнинг муаммо ва ечимлари ўз ифодасини топган.*

## Оила муқаддас маскан

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида ҳам оила масалаларига кенг эътибор қаратилган. Партия жамиятда оилани миллий анъаналар ва маънавий қадриятларни доимий таъминланишининг буюк манбалари сифатида ҳисоблайди.

Яқинда ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, адлия бошқармаси ҳамда "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда Оқолтин туманида "Оилага садоқат — миллий қадриятимиздир" мавзусида катта маънавий-маърифий тадбир ўтказди.

Тадбирда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова иштирок этди ва оиланинг жамиятда тутган ўрни мавзусида маъруза қилди.

Шундан сўнг олтин ва кумуш тўйларини нишонлаётган отахону онахонларга ва эндигина оила қурган ёш келин-куёвларга партиянинг совға-саломлари тантанали топширилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан вилоятдаги қишлоқ фуқаролар йиғинлари ўртасида "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Танлов ғолиблари партия вилоят кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Партиямиз томонидан ташкил этилган ушбу маънавий-маърифий тадбир эртаси куни Гулистон шаҳрида давом эттирилди. Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театрида партиянинг фаол хотин-қизлари учун катта байрам дастури намойиш этилди. Дастур ниҳоясида театр жамоаси томонидан драматург Ҳайдар Муҳаммад ижодига мансуб "Хотинлар "гапи"дан чиққан ҳангома" комедияси намойиш этилди.

**А.НОРҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

"МТ" ЁШЛАРИ

## Пухта ўйланган таклиф

### амалда ўзини оқлади

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Шунингдек, 6 та олий ўқув юртининг 39 та талабалар уйлари жойлашган бўлиб, 11000 нафар йигит-қизлар мазкур талабалар турар жойларида истиқомат қилади.

— Юртимизнинг кўплаб ҳудудларидан келган, турфа ёш ва дунёқарашга эга ёшларнинг интилишлари ва қизиқишларини бирдек қамраб олиш қийин,-дейди биз билан суҳбатда ЎзМТДП "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Азизбек Нишонов. — Бу бироз мураккаб жараён бўлсада, турли йўналишлар орқали уларни фаолиятимизга жалб этишга ҳаракат қилаяпмиз.

Кенгашда партия Дастури ва ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши иш режасидан келиб чиқиб иш олиб борилмоқда. Соҳа мутахассислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари билан азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури, жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз, Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч" ва "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози,Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоблари юзасидан мулоқотлар уюштирилмоқда. Иш режасига мувофиқ ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий жараёнларга кенг жалб этиш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, миллий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялаш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган қатор тадбирлар, жумладан, турли мавзулардаги давра суҳбатлари, учрашувлар, семинар-тренинглар доимий ўтказилиб келинмоқда. Масалан, "Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзусида икки ҳафтада бир марта талабалар турар жойларида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда.

Сир эмаски, бугунги глобаллашув жараёнларида оммавий маданият, ахборот хуружи кишилар, хусусан, ёшларимиз тарбиясига хавф солаётган жиддий хатарлардан биридир. Ўз навбатида ёшлар онгида уларга қарши иммунитетни шакллантириш, ўз фикри ва дунёқарашига эга бўлишга эришиш партиямиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан талаба-ёшлар ўртасида бугуннинг глобал муаммоларидан бирига айланган одам савдосига қарши курашни тарғиб қилишга бағишланган "Ҳар ерни қилма орзу ёхуд орзуимдаги мамлакат" мавзусидаги мунтазам ўтказилиб келинаётган учрашувлар бу хавфнинг олдини олишга ва ёшларнинг ҳар хил алдовларга учмаслигига замин ҳозирлайди. "Ёт ғояларга қарши курашишда миллий ғоянинг аҳамияти" мавзусидаги давра суҳбатлари эса ёшларни огоҳликка даъват этиш билан биргаликда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қалбида мустақилликни асраб-авайлаш ва қадрлаш туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Очиғини айтишим керак, токи партия шаҳарча кенгаши тузилганлиги ҳақидаги эълонни ўқимагунимча ва кенгашга келиб, партиянинг Дастури, мақсади ва йўналишларидан хабардор бўлмагунимча, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар фаолиятидан у қадар хабардор эмас эдим. Миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш, юксалтириш ҳамда тараққиётнинг энг ривожланган даврида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайдиган маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифатчиликни янада чуқурлаштириш каби Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий ғоя ва вазифаларининг бажарилишига ҳисса қўшиш менинг шу юрт фарзанди сифатидаги бурчим ҳамдир. Гуруҳлардаги олиб борилаётган ўқувлар орқали сиёсий билимларим мукаммаллашиб бормоқда. Энг асосийси, келажакда амалга оширишим керак бўлган асосий мақсадларни англаяпман,- дейди партия аъзоси, Тошкент Давлат Техника университети талабаси Жамшид Жумақулов.



Бугунги кунда кенгашга бирлашган 200 нафардан зиёд аъзоларнинг аксарияти олий таълим муассасалари талабалари ҳисобланади. Улардан Умид Абдуллаев, Тошмурод Холмўминов, Шерзод Эшқобилов, Севара Абдуваитова, Фарҳод Жумаев, Машраб Норматовлар энг ташаббускор ва изланувчан, фаол ёшлардан.

Кенгашда ташкил этилган "Ёш сиёсатчилар", "Ёшлар парламенти", "Мунозара-дебат", "Нотиқлик санъати" каби клублар талабаларни тобора ўзига жалб этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Сарвар Абдуллаев, Арслон Эшмуродов, Раъножон Зариповалар билан мунтазам алоқа ўрнатилган. Улар сиёсий-ижтимоий, ҳуқуқий мавзуларда ўтказилаётган тадбирларда ўзларининг маърузалари билан иштирок этиб келмоқдалар. Шунингдек "Ёшлик"талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази Ғоявий тарғибот бўлими раҳбари Гулноза Мамажонова, "Юридик клиника" раҳбари Бекзод Узоқовлар гуруҳларда дарсларни олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда эса "Ёш сайловчи" клуби ҳам шакллантирилаяпти.

— Клубдаги машғулотлар бир-биридан қизиқарлилиги билан ажралиб туради,- дейди партия аъзоларидан бири ЎзМУ математика-механика факультети талабаси Акмал Пирназаров.— Масалан биз "Ёшлар парламенти" клубидаги дарслар жараёнида ўзимизни депутат санаймиз. Бу ўз навбатида бизни руҳлантиради, янги ғоялар туғилишига, мавжуд масалаларга нисбатан аниқ муносабатнинг шаклланишига олиб келади.

— Партия шаҳарчада ўз фаолиятини бошлаган илк кунларданоқ унга олийгоҳларда ишлаётган ва таълим олаётган хотин-қизларни жалб этишга ҳаракат қилдик,- дейди партия шаҳарча кенгаши аёллар масалалари бўйича раис ўринбосари Умида Хўжақулова. — Бугун сафимиздаги қизларни ўзларининг билимлари билан бошқаларга ўрнак бўла оладиган, ҳар томонлама етук дея оламан.

Албатта, ишдаги яхши ўзгаришлар ва эришилаётган ютуқлар билан биргаликда, ўзига яраша муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Сиёсий адабиётларнинг етишмаслиги, замонавий техналогиялар билан жиҳозланиш шулар жумласидандир.

Яқинда бўлиб ўтган "Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш — фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим жиҳатидир" мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этиб, дастлаб тадбирга нисбатан хаёлимиздан маърузачилик бўлиб қолмасмикан, деган савол кечган эди. Аммо давра суҳбатидаги дастлабки маърузалар тинглангандан сўнг, бу тасаввуримиз бутунлай йўқолди. Сабаби эса оддий, яъни қатнашчиларнинг аксарияти партия аъзоси бўлган ёшлар, кенгаш фаоллари... Уларнинг фуқаролик жамиятини шакллантириш, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг самарали усул ва услубларига нечоғли қизиқишлари устувор эканлигини суҳбат мобайнида бўлиб ўтган баҳс-мунозаралардан ҳам яққол сезилади. Шаҳарча "Маънавият ва маърифат" марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида Ўзбекистон Миллий ва Тошкент Давлат Техника университетлари,Тошкент Молия ва Юридик институтлари, Тошкент Банк, Маданият, Политехника касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирок этишди. Тадбир давомида "Ёшларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги замонавий шароитларда, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари", "Ўзбекистон экологик ҳаракати мақсади ва вазифалари" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими Аброр Бердиевнинг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" мавзусидаги маърузасида илгари сурилган ҳуқуқий онг, тарбия ва маданиятни ошириш, атрофдаги воқеаларга ўз муносабатини билдириш каби фикрлар баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди.

Унинг якунида фаол қатнашган Беҳрузбек Сиддиқов, Авазбек Маматқулов, Бекзод Ибрагимовлар кенгашнинг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Талабалар сафи ҳар доим ўзгариб боради. Бизни қувонтирадиган жиҳати шуки, вақти келиб, улар бу довонни босиб ўтиб, иш фаолиятларини бошлаганларида ҳам партиямиз мақсадларини янада кенг миқёсда оммалаштиришга хизмат қилади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

## Кўрик-танловлар

### иқтидорли ёшларни саралашга имкон берди

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши томонидан вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси, хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Миллий либослар" фестивали ўтказилди. Унда вилоятнинг барча туманларида фаолият юритаётган ўқув марказлари ҳамда иқтидорли дизайнерларнинг ижод намуналари намойиш этилди.

— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган кенг кўламдаги вазифаларни амалга ошириш барчамизга катта масъулият юклайди,- деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси Моҳигул Насимова. - Мазкур фестивалдан кўзлаган асосий мақсадимиз миллий ва маданий меросимизни янада бойитиш, вилоятнинг чекка туман ва қишлоқларида тикувчилик, ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар фаолиятини атрофлича ўрганиб, рағбатлантириш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш ҳамда кичик бизнесни йўлга қўйишда кўмаклашишдир. Иштирокчилар орасида партия аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" раҳбари Наргис Раҳматова ушбу фестиваль ташкилотчиларидан бири бўлибгина қолмай, ўзининг дизайнерлик ишларини ҳам намойиш этди.

Шу билан бирга Нишон тумани "Истиқлол", Чироқчи тумани "Несса", Шаҳрисабз тумани "Иффатли келин", Китоб тумани "Нафосат", Қарши тумани "Тадбиркор аёл", Қарши шаҳри "Гўзал" ўқув-марказлари ходимлари миллий матоларимиз бўлган адрас, атлас, беқасамдан миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган бир-биридан чиройли либослар ансамблини тақдим этдилар. Айниқса Тошкент шаҳридаги "Иффатли келин" ўқув-марказининг Шаҳрисабз туман филиали жамоасининг чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир давомида санъат коллежи талаба-ёшларининг бадиий дастури барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Ғолибларга вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда партия вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар, совғалар тақдим этилди.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Намозгоҳ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 27-махсус мактаб интернати билан ҳамкорликда "Энг ҳунарманд қиз" кўрик-танловини ўтказди.

Мактаблар ўртасида бўлиб ўтган танловда 8 нафар зукко қизлар 6 та шарт бўйича беллашдилар. Иштирокчилар халқимизга хос анъаналарни акс эттирувчи саҳна кўринишлари, ўзларининг тиккан миллий либослари, кашталарини намойиш этдилар.

Танлов сўнггида фаол иштирок этган Наргиза Салаева "Энг зукко қиз", Фотима Жабборова "Энг дилбар қиз", Гулчеҳра Қодирова "Энг чевар қиз", Малика Мирзаева "Энг мафтункор қиз", Ситора Акромова "Энг ҳунарманд қиз", Розия Лутфуллаева "Энг моҳир қиз", Садоқат Акрамова "Энг латофатли қиз" номинациялари бўйича ғолиб деб топилиб, эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

* * *

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши шаҳардаги мактаб ва маҳаллалар ҳамкорлигида "Касблар" фестивали ўтказилди.

Устоз-шогирд анъанасининг бардавомлигини таъминлашга қаратилган ушбу фестивалда миллий ҳунармандчилигимиз билан шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар иштирок этишди.

— Миллий анъаналаримиз миллатимиз тарихини ҳамда миллий ўзлигини намоён этади,- деди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шарипов. - Ёш авлодни халқимизга муносиб фарзандлар этиб тарбиялашда миллий қадриятларимизнинг ўрни беқиёс.

Танловда йигит-қизлар ўзларининг миллий ҳунармандчилик ишлари ва "Ҳунардан ризқ унар" ўзбек мақоли остидаги саҳна кўринишларини намойиш этишди.

— Ҳунар эгаллаш учун машаққат чекиб, унинг ортидан ҳалол луқма топиш, барчанинг ҳурмат-эътиборига лойиқ бўлиш катта саодат эканлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган ёшларимиздан қувондик. Шу билан бирга кўпчилик ўқувчи ва талабалар миллий ҳунармандчилигимизга қизиқиб, тўгаракларга қатнашиш истаги борлигини билдирдилар,- деди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шароф Раҳмонов.

Тадбир сўнггида фаол иштирок этган ёшларга эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

ЎзМТДП Узун туман кенгаши томонидан туман қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Қишлоқ ҳаётида экология ва саломатлик масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Мирза Қодиров мавжуд экологик муаммолар ҳамда уларнинг ечимини излаш ва бартараф этишда ёшларнинг ҳам иштирокини таъминлаш лозимлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, сўзга чиққан туман саломатлик маркази бош шифокори О.Америқулов, туман табиатни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи А.Бобожонов табиатни асрашни аввало ўзимиз яшаётган ва ишлаётган масканлардан бошлашимиз кераклиги тўғрисида сўзладилар. Шу билан биргаликда ободонлаштириш ишларига ёш йигит-қизларни жалб қилиш ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

* * *

ЎзМТДП Охунбобоев туман кенгаши "Лангар" қишлоқ фуқаролар йиғинида "Меҳрим сенга табиат" мавзусида кўргазмали давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда "Экосан" халқаро жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ ҳамда "Нуроний" жамғармаси вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида талаба-ёшларга табиатни асраш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида тушунчалар берилиб, атроф-муҳитни ифлослантириш қандай салбий оқибатлар келтириб чиқаришига оид телефильмлар, расмлар намойиш этилди.

НУҚТАИ НАЗАР

## Трансчегаравий дарёлар:

# Давлатлараро манфаатлар ҳисобга олиниши керак

*Марказий Осиё сув ресурсларини шаклланишининг асосий манбаи бўлиб, минтақамиздаги икки азим дарё — Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Ушбу дарёлар оқимларидаги ҳар қандай ўзгаришлар минтақада сув таъминоти масалаларида муаммолар келиб чиқишига олиб келади.*

**Эркин ЮСУПОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Экспертларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра Амударё ва Сирдарёнинг асосий сув манбалари шаклланадиган Ҳисор-Олой музликларидаги музнинг ҳажми 88 миллиард кубометр, Помир-Олой музликларида — 465 миллиард кубометр деб баҳоланади.

Дарё оқимидаги сув ресурслари асосан Орол денгизига қуйиладиган Марказий Осиёнинг энг йирик дарёлари — Амударё ва Сирдарёда тўпланган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг биринчи миллий ахборотида келтирилган маълумотларга кўра Орол денгизи ҳавзаси дарёларининг сув ресурслари ҳажми оқимнинг кўп йиллик ўртача ҳажми жами 116,5 миллиард кубометрга тенг бўлгани ҳолда, шу жумладан Амударё бўйича 78,6 миллиард кубометрни, Сирдарёда 37,9 миллиард кубометрни ташкил қилади. Ўрганилган давр мобайнида Амударёда энг паст сув таъминоти 46,9 миллиард кубометрни, энг юқори сув таъминоти ҳолатида оқим ҳажми 108,4 миллиард кубометрни ташкил қилган ва оралиқдаги фарқланиш 2,3 бараварга тенг бўлган. Мазкур фарқланиш Сирдарё бўйича янада юқори бўлиб, мос равишда энг паст сув таъминоти шароитида 21,4 миллиард кубометрни, энг юқори сув таъминоти ҳолатида оқим ҳажми 54,1 миллиард кубометрни ташкил қилган ва оралиқдаги фарқланиш 2,5 бараварга тенг бўлган.

Давлатлараро келишувга кўра, ушбу дарёлардаги сув ресурсларидан Ўзбекистонга, йилига ўртача 43-45 миллиард кубометр сув ажратилади. Таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир муайян йилда сув ресурслари ҳажмидаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб, ҳажмлар белгиланган нисбатларига мувофиқ тўғриланади.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим бўлган ҳақиқат шундан иборатки, халқаро экспертларнинг тахминий баҳолашлари натижаларига кўра, кейинги 40 йил ичида ҳудудда вазият кескин ўзгарган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари натижаларига кўра охирги ярим аср мобайнида ҳудуддаги асосий дарёларни сув билан таъминлайдиган абадий музликларнинг майдони 1/3 қисмга камайган. Ер шарида рўй бераётган глобал исиш туфайли музликларнинг тез эриши оқибатида айрим йилларда дарёлардаги сув оқими кескин кўпайиши қонуният кўринишини олмоқда. Жумладан, Туямўйин сув омборига вегетация даврида барча манбалардан кириб келадиган сувнинг ўртача ҳажми 20,0-25,0 миллиард кубометрни ташкил қилгани ҳолда 1998 йилда башорат қилинган 26,2 миллиард кубометр ўрнига 42,0 миллиард кубометр ёки ўртача йиллик кўрсаткичларга нисбатан 1,7- 2,1 марта тахмин қилинганига нисбатан 1,6 марта кўп сув келган. Ҳудуддаги айрим давлатларда тизимни ирригация режимидан энергетика режимига ўтказишга қаратилган сиёсат ва бошқа омиллар таъсирида сув таъминоти масалаларида кескин етишмовчилик ҳолатлари тез-тез такрорланиб турадиган бўлиб қолмоқда. Масалан, агарда Туямўйин сув омборига вегетация даврида барча манбалардан кириб келган сувнинг ҳажми 1998 йилда 42,0 миллиард кубометрга тенг бўлгани ҳолда 2008 йилда борйўғи 8,2 миллиард кубометр ёки ўртача кўрсаткичларга нисбатан 2,4-3,1 марта, 1998 йил кўрсаткичларига нисбатан 5,1 марта кам бўлган. Бундай салбий ҳолат келиб чиқишига қиш мавсумида йиғилиши лозим бўлган сув ресурсларининг электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадларида ташлаб юборилганлиги ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган.

Мана шундай оқибатни келиб чиқишига сабаб бўлган ҳолат бўйича аниқ маълумотларни, биринчи навбатда тизимни ирригация режимидан энергетика режимига ўтказилганлигининг яққол исботини Сирдарё ҳавзасида жойлашган Тўхтагул сув омбори мисолида кузатиш мумкин. Яъни, қиш мавсумида мазкур сув омборидан электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадларида кўп миқдордаги сув ташлаб юборилган. 1991 йилда 5 миллиард 65 миллион кубометрни ташкил этгани ҳолда 2004 йилда худди шу даврда 9 миллиард 50 миллион кубометр (2007 йилда 7 миллиард 766 миллион кубометр) ёки 1,8 бараварга яқин ортиқ сув ташлаб юборилган. 1992 йилдан бошлаб бу кўрсаткич муттасил ошиб борган (1994 йилда 12 миллиард 471 миллион кубометргача етган).

Бундан ташқари халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра ер шарида рўй бераётган глобал исиш оқибатида яқин 20-25 йил ичида Марказий Осиёда жойлашган асосий дарёлардаги сув оқими ҳажми 7 %га яқин камайиши тахмин қилинмоқда.

Санаб ўтилган омиллар таъсирида кейинги йилларда Амударё ва Сирдарёда сув оқими ҳажми камайиб бормоқда. Жумладан, ҳудудда ишлатиладиган сув ресурсларининг 2/3 қисмидан ортиғини берадиган Амударё ҳавзасида жойлашган Нурек сув омборига барча манбалардан кириб келган сув ҳажми 1992 йилда 22,6 миллиард кубометрни ташкил қилгани ҳолда бу кўрсаткич 2008 йилда 18,6 миллиард кубометрга тенг бўлган ёки 18%га яқин қисқарган.

Мамлакатимиз Президенти томонидан сув таъминотидаги мазкур салбий ҳолатларнинг янада кучайиб кетишини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон қўшни давлатларда қурилиши режалаштирилаётган Роғун ва Қамбарота-2 гидроэнергетика иншоотларини қурилишига қарши эмаслигини рўй-рост билдирилгани ҳолда, ушбу иншоотлар бўйича лойиҳалар ҳудуднинг сейсмик ва экологик хавфсизлиги нуқтаи назаридан мустақил халқаро экспертиза ўтказиш зарурлиги ҳамда Амударё ва Сирдарё каби трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида сув оқими камайишига йўл қўймаслик бўйича тегишли давлатлар мажбурият олганлари тақдирда, уларнинг қурилишида Ўзбекистон бевосита иштирок этиши мумкинлиги таъкидлаб ўтилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган ташаббус нуфузли халқаро ташкилотлар — Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ва Европа иттифоқи томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлиги — мазкур ташаббусни қанчалик даражада асосланганлиги ва узоқни кўзлаганлигини яна бир карра исботлайди. Чунки, узоқ тарихдан маълумки сув муаммосини ҳал этишда ҳар томонлама пухта ўйланган қарорлар зарур. Айниқса трансчегаравий характерга эга бўлган дарёлар бўйича ҳукуматлараро даражада қабул қилиниши лозим бўлган масалаларда бир томонлама қарор қабул бўлмайди. Чунки, сув муаммоси — бу ҳаёт-мамот масаласи эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

*Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилаётган ташаббус нуфузли халқаро молия ташкилотлар — Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки ва Европа иттифоқи томонидан ҳам қўллаб-қувватланаётганлиги — мазкур ташаббусни қанчалик даражада асосланганлиги ва узоқни кўзлаганлигини яна бир карра исботлайди.*

Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ташаббуснинг ўринли ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос эканлигини Жаҳон банки Президенти Роберт Зелликнинг давлатимиз раҳбарига йўллаган мактубидаги қуйидаги эътироф яна бир карра исботлайди: "... Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор бир давлатнинг энергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлиги инобатга олиниши тўғрисидаги фикрларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман".

Жумладан, 1992 йил 17 мартда Хельсинкида қабул қилинган "Трансчегаравий сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва фойдаланиш бўйича Конвенция" бўйича томонлар трансчегаравий сув ресурсларидан экологик асосли ва рационал бошқаришни таъминлаш, уларни асраш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг трансчегаравий хусусиятларидан келиб чиқиб ва бажариладиган ҳар қандай фаолиятнинг трансчегаравий таъсири ва оқибатини ҳисобга олиб, трансчегаравий сув ресурсларидан мақсадли ва адолатли фойдаланишни таъминлаш учун барча тегишли чора-тадбирларни кўриш мажбуриятини олиши белгилаб қўйилган.

Худди шунингдек, "Трансчегаравий сув объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий принциплари тўғрисидаги Битим"да юқорида эътироф этилган Конвенциядагига ўхшаш ва маълум даражада аниқликлар киритилган ҳуқуқий нормалар ўз аксини топган. Жумладан, мазкур Битимга қўшилган томонларга атроф-муҳитга, шунингдек, сув объектларига салбий таъсир кўрсатувчи сув хўжалиги тадбирларини ўтказмаслик ва сув объектларида сув ресурсларидан фойдаланиш ва тақсимлашнинг умумий прицицларини аниқлаб олиш мажбурияти юклатилган.

Акс ҳолда мамлакатимиз Президенти томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувда сўзлаган нутқида таъкидланганидек: "Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади".

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ФАОЛИЯТ



# Аёл — миллат кўзгуси

*Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида оила масаласига ҳам катта эътибор берила бошланди. Аёлларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини давлат даражасида ҳимоя қилиш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида уларнинг иштирокини кучайтириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Мустақилликка эришгандан кейинги давр мобайнида хотин-қизларнинг ҳурматини жойига қўйиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг миллий модели яратилди.*

**Гулчеҳра ШУКУРОВА,**
**Маънавият тарғибот маркази**
**Қарши шаҳар бўлими раҳбари**

Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда шундай дейдилар: "Аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Уларнинг турмуш шароитини яхшилаш даркор. Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясини кўтариш керак. Шуни унутмаймиз, жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди".

Бугун биз ўзбеклар улуғ бир миллат бўлиб тикланиш, Ватанимиз қудратини ошириб, буюк келажак яратиш имкониятига эга бўлдик. Бу имкониятни амалга ошириш учун миллатнинг тарбиясини юксак даражага олиб чиқишимиз жоиз. Аёл тарбиячидир. Аёл миллатнинг тарбиячиси экан, унинг маънавий олами қанча юксак бўлса, фарзандлар камоли шунчалар етук бўлади. Маърифатсиз, китоб ўқиш эсидан чиққан, фақат рўзғорнинг майда-чуйдасига муккасидан шўнғиган аёлнинг, онанинг билим даражаси ўзига яраша бўлади. Бугунги тараққиёт, Ватанимиз истиқболи болаларнинг гўдаклигидан компьютер бошқаришини, бир неча тилни билишини, ҳар томонлама зукко бўлишини тақозо этмоқда. Шу боис қизларимиз, аёлларимиз фарзандларининг камоли учун ҳам маърифатли, билимли саводхон бўлишлари шарт. Бу учун эса қизларнинг юқори билим олишларини энг аввало оилада қўллаб-қувватлашимиз жоиз. Чунки эркакни тарбиялаш – бир одамни тарбиялаш, аёлни тарбиялаш эса миллатни тарбиялаш, демакдир. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий мавқеи ва нуфузининг ўсиши уларнинг соғлиғи, билим, касб-малака даражасига ва тайёргарлигига боғлиқ. Шу боисдан мустақиллик даврида Президентимиз ташаббуси билан аёллар ва болалар соғлиғи ҳақида қайғуриш, таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қадимда аждодларимиз қиз узатиш, ўғил уйлантиришда бири-бирларининг етти пуштигача суриштиришган. Бундай ёндошув янги авлод келажагини таъминлашга замин яратган. Авлод наслини тоза сақлашга соҳибқирон Амир Темур ҳам катта аҳамият берган. "Ўғилларим, набираларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишларни давлат юмушлари билан баробар кўрдим: насл-насабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали саломатлигини аниқладим. Келин бўлмиш насл-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб, келин туширдим".

*"Аёл-миллат кўзгусидир". Чунки фақат соғлом, оқила, зукко аёлдангина эл-юрт фахрлана оладиган фарзандлар дунёга келади. Шу ўринда, оилавий муносабатларда аёлдан – она, рафиқа, уй бекаси сифатида ҳамда фарзандларни баркамол этиб тарбиялашда билим, соғлик, одоб-аҳлоқи, истеъдод, маънавий ва маданий савияси муҳим ўрин тутади.*

"Аёл-миллат кўзгусидир". Чунки фақат соғлом, оқила, зукко аёлдангина эл-юрт фахрлана оладиган фарзандлар дунёга келади. Шу ўринда, оилавий муносабатларда аёлдан – она, рафиқа, уй бекаси сифатида ҳамда фарзандларни баркамол этиб тарбиялашда билим, соғлик, одоб-аҳлоқи, истеъдод, маънавий ва маданий савияси муҳим ўрин тутади. Соғлом авлод эса ота-онага бахт, оилага, жамиятга қувонч келтиради.

"Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқли"лиги, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, никоҳнинг барқарор бўлиши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46,- 63,- 64,- 65,- 66-моддаларида ўз ифодасини топган. Шунингдек, анъанага айланган ҳар бир йилнинг муайян номлар билан аталиши ҳам Ўзбекистоннинг ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойиллари асосида ривожланаётганлигининг исботидир. Хусусан, 1997 йилнинг «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилнинг «Оила йили», 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили», 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили», 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват йили», 2005 йилнинг «Сиҳат-саломатлик йили», 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ва ниҳоят 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя» йили деб номланиши бир томондан давлатимизда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан бу ғоялар замирида инсон тақдири, келажак авлод, оила масалалари турганлигидан далолат беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёллар таълимини танлаш асосан педагогик ҳамда тиббиёт соҳаси билан чекланади. Чунончи, қизлар кўпгина ўқитувчи кадрлар ва тиббиёт ходимларини тайёрлашга ихтисослашган ўқув юртларини танлайдилар, чунки бу касблар ўзларининг оилавий ҳаётида, болаларини тарбиялаш чоғида фойдали бўлади, деб тушунадилар. Бироқ қувонарли томони кейинги вақтда иқтисодиёт, экология, бизнес, халқаро муносабатлар ва ҳуқуқ каби соҳаларда ўрта махсус таълим олувчи қизлар сони ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда қизларнинг таълим олиш имконияти кўп жиҳатдан демографик вазиятга ва аҳолининг фаровонлигига боғлиқ. Кўпгина ота-оналар, айниқса қишлоқ жойларда айрим моддий қийинчиликлар сабабли барча фарзандларининг билим олишлари учун уларга кенг шароитларни яратиб бера олмайдилар ва анъанавий равишда ўғилларнинг яхшироқ билим олишларини истайдилар.

Ҳар бир жамият, ҳар бир оиланинг вазифаларидан бири аёлларга истеъдод ва имкониятларини ҳаётга татбиқ этиши учун шароит яратиб беришдан иборат. Хотин-қизларнинг уй-рўзғор ва фарзанд парвариши билан ўралашиб қолиб кетиши биринчидан, унинг иқтисодий қарамлигини, иккинчидан, ҳақ тўланмайдиган, негатив меҳнат миқдорини оширади.

Оилада бола тарбиялашга бош-қош бўлиш билан бирга жамиятда ҳам маълум бир ишнинг бошида турган аёлни бир қўлда дунёни, бир қўлда бешикни тебратади дейишади. Айнан оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик ва ватанпарварлик каби олий ахлоқий-маънавий сифатлар шаклланишида, авлоддан-авлодга етказилишида энг асосий тарбиячи ҳисобланган аёлларнинг маънавий баркамоллиги, теран дунёқараши, саводхонлиги муҳим ўрин тутади. Хотин-қизларни юқори маърифатга ошно қилишда, илм-фанга жалб этишда, уларнинг маданий савиясини юксалтиришда миллий қадриятларга таяниб иш олиб боришимиз даркор. Ўзбек хотин-қизларига хос хаё, ширинсўзлилик, бағрикенглик, кечиримлилик, камтарлик ва иффатлилик, бокиралик ва оқилалик сингари олижаноб фазилатларни шакллантириш, бу борада уйғун фаолият юритиш ниҳоятда муҳимдир.

Хотин-қизларимизга илм-фанда, маърифат ва таълим-тарбияда ўз фаолликларини намоён қилишларига кўмаклашиш, ижодий изланишлари учун моддий ва маънавий шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришга даъват этиш натижасида мавжуд камчиликлар бартараф этилади.

Доимо соғ-саломат бўлиб, оиласида меҳр, ишхонасида қадр топган аёлнинг хотири жам бўлади. Чиндан ҳам аёл - миллатнинг кўзгуси. Давлатимиз томонидан фуқароларимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Бу эса, аёллар ташкилотларининг давлат ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аёлларга оид дунёда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фаоллигини янада кучайтиради. Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим тадбирларида, қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайлов жараёнларида аёлларнинг иштирок этиши, уларнинг умумий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириши ва аёлларнинг хизматда юқори лавозимларни эгаллашларига барча имкониятлар яратилган.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**БИЗНИНГ ШАРҲ**

**Жаҳонгир ЖАЛИЛОВ**

# Аксил террор операциялари муваффақияти

## Покистон федерал бошқарувидаги қабилалар ҳудудидаги вазиятга ҳам боғлиқ

*Афғонистонда узоқ йиллардан буён кескинликни сақланиб қолаётганлигига сабаб бўлаётган, халқаро террорчиларнинг бошпанаси сифатида маълум ва «машҳур» бўлган Покистон ғарби ва шимолидаги қабилалар ҳудудида кейинги пайтда вазият янада мураккаблашмоқда. Афғонистонда олиб борилаётган аксил террор операциялар таҳлили Покистон Ислом Республикасининг Федерал бошқарувдаги қабилалар ҳудуди (ФБҚҲ) коалицион кучлар учун муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳудуд ўзига хос ҳуқуқий мақоми ва географик шарт-шароитлари билан "Ал-Қоида" жангарилари ва "Толибон" ҳаракати тарафдорлари учун қулай бошпана вазифасини бажармоқда.*

Хусусан, ФБҚҲ Покистоннинг Шимоли-ғарбий чегара провинцияси таркибига кириб, мамлакат конституциясининг 246-моддасига мувофиқ махсус маъмурий бирлик ҳисобланади. Ўз навбатида ушбу маъмурий-ҳудудий бирлик еттита сиёсий агентликдан иборат. Унинг умумий ҳудуди 27 кв.км, аҳолиси эса 4 млн. киши атрофида. Аҳолининг 90 фоизи этник пуштун қабилаларига мансуб.

ФБҚҲнинг катта қисми тоғли ҳудудларга тўғри келади, шу сабабдан аҳолисининг 30 фоиздан ортиғи ҳам маъмурий ҳам сиёсий жиҳатдан федерал ҳукумат таъсиридан ташқарида қолмоқда.

Аҳолисининг 60 фоиздан ортиғи қашшоқлик даражасидан паст шароитларда яшайди, ишсизлик даражаси 80 фоиздан ортган, касалхоналарда 2179 та одамга битта жой, 7670 кишига битта врач тўғри келади. Аҳолининг 60 фоизи тоза ичимлик сувига муҳтож, саводлилик даражаси эса 17 фоизни, шундан эркаклар ўртасида 29,5 фоизни, аёллар ўртасида 3 фоизни ташкил этади. Бутун ҳудудда 102 та дунёвий ўқув муассасалари ва 300 дан ортиқ диний мактаблар фаолият юритмоқда. Ҳудудда диний мактаблар сонининг ортиши, камбағаллик ва саводсизлик даражасининг юқорилиги, шунингдек ижтимоий инфраструктуранинг ривожланмаганлиги экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг иштирокчилари сонининг ортишига сабаб бўлмоқда.

"Times" журналининг маълумотларига кўра Вазиристонда аҳолининг фақатгина 5 фоизи жангариларни фаол қўллаб-қувватламоқда, қолганлар эса уларга кўмаклашиб моддий фойда кўришни кўзлайди, баъзилар эса қўрқув натижасида уларнинг ҳудудда мавжуд бўлишига жим қараб турибди.

Шу билан бирга, ҳудудда ўрнатилган сиёсий бошқарувнинг ўзига хос тизими ундаги аҳолининг бошқарувда иштирок этишини чеклайди, уларга асосий фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириш, одил судловни таъминлаш имкониятини бермайди ва шу тариқа аҳоли ўртасида ҳукуматга нисбатан норозиликни келтириб чиқармоқда.

Конституцияга мувофиқ Президент ушбу ҳудудни бошқаришда махсус ваколатга эга. Бевосита бошқарув махсус федерал идора — Чегара ҳудудлари ишлари вазирлиги томонидан сиёсий агентлар орқали амалга оширилади. Ҳудуддаги ижроия ва суд ҳокимияти сиёсий агентлар қўлида, анъанавий бошқарув эса қабила бошлиқлари — маликлар қўлида жамланган.

Конституциянинг 247-моддасига мувофиқ мамлакатдаги қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият қабила ҳудудларига тадбиқ этилмайди. Ушбу модданинг 7-бандига кўра Олий суд ФБҚҲда одил судловни амалга оширишни таъқиқлаб қўйган. Ҳудудда ижтимоий муносабатлар шароит ва одат меъёрлари асосида тартибга солинади, пуштунлар орасида қабила одат меъёрлари "ривож" ва махсус ахлоқ кодекси "Пуштунвали" амал қилади.




Бундан ташқари, ҳудудда 1996 йилга қадар сайлов ҳуқуқи амал қилмаган, фақатгина 1997 йили ҳудуд аҳолиси биринчи маротаба Миллий ассамблея — мамлакат парламентига сайловларда иштирок этишган. Шунга қарамасдан ФБҚҲда федерал қонунчиликка мувофиқ сиёсий партиялар фаолият юритиши таъқиқлаб қўйилган.

Юқоридагилар билан бир қаторда пуштун миллатчилиги ғоялари ҳам ҳудуддаги аҳоли томонидан "Толибон" ҳаракатини қўллаб-қувватлашга чорлайди.

Биринчидан, пуштунлар Афғонистон аҳолисининг 40 фоизини, Покистон аҳолисининг 20 фоизга яқин қисмини ташкил этади.

Иккинчидан, ФБҚҲ аҳолисининг катта қисми "Толибон" ҳаракати вакиллари каби Дюранд чизиғини — бугунги кундаги Покистон ва Афғонистон давлатлари ўртасидаги чегарани қонунийлигини тан олмайди.

Учинчидан, пуштунлар Исломобод саноатлашган Панжобнинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилади деб ҳисоблайди. Жумладан, В.Вилсон номидаги халқаро тадқиқотчилар марказининг катта ходими С.Харрисоннинг таъкидлашича, пуштунлар Исломобод сунъий равишда улар яшайдиган ҳудудларни электрлаштиришни орқага сураётганлигини, бу эса ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир этаётганлигини, шунингдек ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда маблағларни тақсимлаш жараёнида дискриминацияга йўл қўяётганлигини кўп марта маълум қилган.

Вазиятни ҳудудда кўп сонли афғон қочоқлари мавжудлиги ҳам янада мураккаблаштирмоқда. 2006-2007 йилларда ўтказилган рўйхатга олиш тадбирлари натижасига кўра Покистондаги афғон қочоқларининг сони 2,153 млн. кишини ташкил этиб, шулардан 1,5 млн.га яқини ФБҚҲда яшайди, яъни улар ҳудуд аҳолисининг қарийб 30 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Қочоқларнинг 80 фоиздан кўпроғи бу ерда 20 йилдан узоқроқ вақт яшаган, 56 фоизи 18 ёшдан кичик ва бу ёшларнинг 45 фоиздан ортиғи шу ҳудудда туғилган. Қочоқларнинг 70 фоиздан зиёди саводсиз ва фақатгина 20 фоизга яқини доимий иш жойига эга.

Покистонлик экспертларнинг фикрича афғон қочоқлари наркотик моддалар контрабандасида фаол иштирок этмоқда. Масалан, БМТ Жиноятчилик ва наркотик моддалар бўйича бошқармаси директори А.Костанинг ҳисоб-китобларига кўра Афғонистонда етиштирилган қорадорининг 80 фоизи айнан Покистон ва Эрон орқали ташилади.

Таъкидлаш жоизки, афғон қочоқлари таъсирида қабилаларнинг ижтимоий ҳаётида бир қанча ўзгаришлар юз бериб, пуштунлар жамиятида янги сиёсийлашган куч — муллалар пайдо бўлишига олиб келди. Анъанавий қабила сардорлари — маликларнинг жамиятдаги ўрни йўқолиб бормоқда, жамият радикаллашиб, диний экстремизм авж олмоқда. Хусусан, Вашингтон Стратегик ва халқаро тадқиқотлар марказининг маълумотларига кўра 2009 йил бошига қадар ФБҚҲда 600 та малик сиёсий сабабларга кўра ўлдирилган.

Хулоса қилиб, сиёсий бошқарувнинг номукаммаллиги, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт даражасининг пастлиги, ўсиб бораётган пуштун миллатчилиги ғоялари, Покистон армиясининг муваффақиятсиз ҳаракатлари, шунингдек афғон қочоқлари омили ҳудудда янада кўпроқ муаммолар келтириб чиқармоқда, ижтимоий тизимни бузмоқда, диний-экстремистик қарашлар ролини оширмоқда.

Кўрсатиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш катта сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий чора-тадбирларни талаб этади. Покистон ҳукуматининг бугунги кундаги имкониятларини инобатга олсак — якка ҳолда бу давлат мазкур муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Шу боис ФБҚҲда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатлар Покистонга амалий ёрдам бериши зарур, деб ҳисоблашмоқда халқаро кузатувчилар. Бу эса халқаро терроризмнинг томирига болта уриб, минтақада барқарорликнинг таъминланишига олиб келади.

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Бозорда "жим-житлик"

***"Evronews.net" хабарига кўра, Германияда жорий йилнинг май ойида ишсизликдан ёрдам пули олувчилар сони 127 минг нафарга камайган, ишсизлик эса 8,6 фоиздан 8,2 фоизга пасайган.***



Шунга қарамай, таҳлилчилар хурсанд бўлишга ҳали эрта эканлигини айтишмоқда. Чунки, Европанинг йирик иқтисодиёти 1-чоракда 4 фоиз йўқотишга дуч келган, экспортнинг тушиши ва инвестицияларнинг камайиши рекорд натижаларни қайд этмоқда. Шунга мувофиқ келгусида бандликнинг қисқартирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

## Аэропортда ушланган

***Ироқнинг собиқ вазири мамлакатдан қочаётган пайтида қўлга олинган.***



"Ассошиэйтед-пресс" тарқатган маълумотларга қараганда, Савдо-сотиқ бўйича Ироқ вазири Абдул Салах Судани мамлакатдан чиқиб кетаётган пайтда Бағдод аэропортида қамоққа олинган. У Бирлашган Араб Амирликларига учишга муваффақ бўлган, бироқ самолёт яна Ироқ пойтахтига қайтиб келган. Судани коррупция ва озиқ-овқат маҳсулотлари дастурлари учун ажратилган маблағларни ўзлаштиришда айбланмоқда. Бундан аввалроқ собиқ вазир томонидан хориждаҳ сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олингани ва ноқонуний шартномалар тузилганлиги аниқланган.

## Алоқалар тикланди

***Сальвадор ва Куба ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилди.***



Куба билан дипломатик муносабатларни тиклаш ташаббуси Сальвадорнинг янги президенти Маурисио Фунес томонидан илгари сурилган. Шу орқали 2009 йилнинг мартида сайланган янги раҳбар сайловолди берган ваъдаларини бажаришга киришган. Мазкур икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1959 йилда тўхтатилганди. Эслатиб ўтамиз, Сальвадор Лотин Америкаси давлатлари орасида расмий Гавана билан алоқаларни тиклаган охирги давлат саналади. Бундан аввалроқ 2009 йилнинг март ойида Коста-Рика ҳам Куба билан муносабатларини йўлга қўйган.

## Саммит ўтказилди

***Прагада Хитой ва Европа Иттифоқи саммити ўтказилди.***



Чин делегациясига бош вазир Вэнь Цзябао раҳбарлик қилган мазкур учрашувда томонлар ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, глобал молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш чоралари ҳамда хавфсизлик масалаларини муҳокама этишган. Дастлабки учрашув 2008 йилнинг декабрь ойида режалаштирилган эди. Аммо ўшанда Франция президенти Николя Саркозининг Тибет автоном республикаси раҳбари Далай Лама билан учрашиши оқибатида, минтақада Хитой ҳукуматига қарши жиддий норозилик намойишлари бошлангани туфайли, Хитой томони ЕИ билан ўтказиладиган учрашувда иштирок этмаслигини маълум қилганди. Томонлар саммит муваффақиятли ўтганини айтишган. Айниқса, чинликлар Европа бозорларига янада кўпроқ маҳсулотлар олиб кириш ва шу орқали инқирозни юмшатишга ишонмоқда. Саммит якунида Пекинда Хитой ҳудудида фаолият кўрсатадиган Европанинг кичик бизнес тадбиркорларини қўллаб-қувватлайдиган марказ ташкил этишга келишиб олинди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

**РАНГИН ДУНЁ**

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

# Қадимги Греция маданияти

*Қадимги Греция Болқон ярим оролининг жануби, Эгей денгизидаги ороллар, Мармар, Қора ва Ўрта денгиз соҳилларида жойлашган давлатлар гуруҳидан иборатдир. Маълумки, Грециянинг маданияти дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири ҳисобланади ва у инсоният маданий тараққиётига улкан таъсир кўрсатган.*

Маълумотларга қараганда, милоддан аввалги икки минг йилликда Крит оролида пайдо бўлган қадимги грек ёзуви орадан асрлар ўтиб ном-нишонсиз йўқолиб кетган. Бироқ, милоддан аввалги VIII аср охирида греклар фақат ундош ҳарфлардан иборат бўлган финикия ёзувига унли ҳарфларни қўшиб, ўзларининг 24 ҳарфли алифболарини яратишган.

Албатта, Греция маданиятини унинг адабиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ушбу адабиёт Европада энг қадимий ва улуғвор бўлиб, у милоддан аввалги VII-VIII асрларда пайдо бўлган. Бизгача юнон ёзма адабиётининг илк намуналаридан Гомернинг "Илиада" ва "Одиссея" эпик достонлари етиб келган. Троя уруши воқеаларини акс эттирган бу достонлар қаҳрамон шахслар ва машҳур тарихий воқеалар мадҳига бағишланган эпик қўшиқлар асосида майдонга келган.



Эрамиздан аввалги V асрда комедия анъанавий шаклларни сақлагани ҳолда янги ижтимоий-сатирик мазмун билан бойиб тараққий этади. Бу даврда Аристофан асарлари Афина сиёсий ва маданий ҳаётида ўткир сатира сифатида майдонга чиқади. Шуни эслаш лозимки, бошқа барча миллий маданиятлар каби Греция маданияти ҳам баъзан жиддий ривожланишни бошидан кечирган бўлса, айрим ҳолларда у тушкунликка юз тутган.

Афина маданиятининг ривожланган даври эрамиздан аввалги IV-V асрларга тўғри келади. Тарихий манбаларга қараганда, Афинадаги Парфеон ибодатхонасида давлат хазинаси сақланган. Афина эса ўша даврда Грециядаги энг чиройли шаҳар бўлган. Қадимги йилномаларда "Агар сен Афинани кўрмаган бўлсанг тўнкасан, кўрган бўлсангу ундан завқланмаган бўлсанг ҳайвонсан, у ердан ўз ихтиёринг билан кетган бўлсанг туясан" деб ёзилган экан.

Грецияда меъморчилик санъати ҳам ўзгача ривож топади. Қадимги меъморчиликнинг илк илдизлари Крит-микен маданиятига бориб тақалса-да, бироқ унинг том маънода шаклланиши эрамиздан аввалги VIII асрга тўғри келади. Бу даврга келиб грек монументал ҳайкалтарошлиги тараққий этади. Қадимги грек ҳайкалтарошлигининг ҳозиргача етиб келган намуналари ҳайкалтарош усталарининг жуда катта маҳорат ва бадиий эстетик дидининг юксаклиги, образга теран маъно бериш услубидан дарак бериб турибди. Афина ҳайкалтарошлик мактаби анъаналари орадан уч асрдан зиёд вақт ўтган бўлишига қарамасдан ҳамон яшаб келмоқда.

Қадимги греклар ўз шаҳарлари, ибодатхоналари, сарой ва турар жойларини турли хил ҳайкаллар билан безашга ҳаракат қилишган. Ҳайкаллар ёғочдан, мармар ва бронзадан ясалиб, сўнгра инсон танаси рангида бўялган ёки фил суяги билан қопланган. Плутарх ҳазил тариқасида: "Афинада одамларга қараганда ҳайкаллар кўпроқ", деб ёзган эди.



Қадимги юнон-грек театри ва драматургиясининг пайдо бўлишида диний байрамлар, турли хил маросимлар ва расм-русумлар муҳим роль ўйнаган. Юнон драматургиясининг барча турлари — трагедия, комедия ҳамда сатира ана шу диний байрамлар, расм-русумлар ва айниқса Дионис (бош худо Зевснинг ўғли)га бағишланган маросимлар асосида майдонга келган. Маълумки, қадимги театрлар ҳозирги замон театрига умуман ўхшамаган. Биринчидан, қадимги юнон театри ҳажм жиҳатидан бениҳоя улкан бўлган. Иккинчидан, томошалар кундузи очиқ ҳавода кўрсатилган. Қадимги Афина театрлари қолдиқлари шуни кўрсатадики, юнон театрлари ҳозирги замон стадионининг ярми кўринишида бўлиб, унга 17 мингтагача томошабин сиғган.

"Театр" сўзининг асл маъноси "кўриш", "кузатиш" деган маъноларни англатади. "Театр" атамаси милодий V асрларга келиб оммавий истеъмолга киритилган. Юнон театрлари кўпинча тоғлик, қиялик, тепалик ён бағирларида қурилган. Актёрлар томоша кўрсатадиган жой «саҳна» грекчада «чодир» маъносини англатади. Ҳақиқатдан ҳам, актёрлар томоша ўтказиладиган жойнинг орқа томонига қурилган чодирдан кийиниш ва ниқобларни алмаштириш жойи сифатида фойдаланишган.

Қадимги Греция ҳақида сўз кетганда олимпия ўйинларини эслашимиз табиий. Олимпия ўйинлари 4 йилда бир марта Пелопоннеснинг Элида вилоятидаги Олимп шаҳрида ўтказилган. Олимп шаҳри марказида Зевс ибодатхонаси ва грек ҳайкалтароши Фидий томонидан қурилган Зевс ҳайкали жойлашган. Аёллар ўша даврда олимпия ўйинларига киритилмаган. Энг хавфли ўйин — тўрт от қўшилган икки ғилдиракли аравалар пойгаси бўлган. Улар иппадром — от-чопар майдонини 12 марта айланиб чиқиши керак бўлган. Ўйинларда фақат бадавлат зодагон греклар иштирок этган, чунки бу ўйинларга бир неча йил мобайнида тайёргарлик кўрилган. Ғолиблар зайтун дарахти новдаларидан тайёрланган гулчамбарлар билан мукофотланган ва жойларда ғолиблар шарафига ҳайкаллар ўрнатилган.

Юқоридаги фикрлар асосида айтиш мумкинки, қадимги Шарқ ва Янги давр Европа маданиятини бир-бири билан боғлаб турувчи антик давр юнон маданияти ўз аҳамияти жиҳатидан умуминсоний маданиятнинг бир бўлаги ҳисобланади. Қадимги юнон фани, фалсафий тафаккури, меъморчилиги, ёзув маданияти, театр-томоша санъати — буларнинг бари нафақат Греция, айни пайтда, бутун инсоният цивилизациясининг дурдонаси сифатида эъзозланиб келинмоқда.

